Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 76 (20. 643) • 1990 йил 31 март, шанба • Баҳоси 3 тийин.

Орбитада 1500 кун

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 30 март. (ТАСС). Анатолий Соловьев билан Александр Баландининг космик вахтасида навбатдаги ҳафта ниҳоясига етмоқда.

Экипаж ўтган кунларда асосан «Мир» комплексининг умумий контурида базавий блок ва орбита модуллари ҳаракатини бошқариш системаларининг қандай ишлашини текширди.

Тиббий назорат режасига мувофиқ космонавтлар текширишдан ўтдилар, ундан мақсад юрак-қон томир системасига жисмоний кучланиш таъсирини аниқлашдан иборат.

Экипаж учувчи бошқарадиган комплексга янги жиҳозлар ўрнатиш билан бирга учиш программасининг илмий қисмини ҳам бажармоқда. Хусусан бугун очиқ космик фазонинг турли материаллар физик-механик ҳоссаларига таъсирига баҳо бериш юзасидан тажрибалар туркуми ўтказилади. Бундай материалларнинг намуналари «Квант-2» модулининг ташқи сатҳига ўрнатилган, шунингдек ионосферанинг ҳамда Ер атмосферасининг юқори қатламларини тадқиқ этиш ҳам кўзда тутилган.

Тиббий назорат натижаларига қараганда, космонавтлар Соловьев билан Баландининг саломатлиги яхши.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

«Жамоат тартибини сақлаш чоғида СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бурчлари ва ҳуқуқлари тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш ҳақида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «Жамоат тартибини сақлаш чоғида СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бурчлари ва ҳуқуқлари тўғрисида»ги СССР Қонуни эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советлари иттифоқдош республикаларнинг қонунларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсинлар.

2. СССР Олий Совети Президиумининг «Жамоат тартибини сақлашда СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бурчлари ва ҳуқуқлари тўғрисида»ги 1988 йил 28 июлдаги Фармони (СССР Олий Советининг Ахборотномаси, 1988 йил, 31-сон, 505-бет) ва мазкур Фармон тасдиқланган қисмидаги «СССРнинг баъзи қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш ҳақида»ги 1988 йил 28 октябрдаги СССР Қонуни (СССР Олий Советининг Ахборотномаси, 1988 йил, 44-сон, 684-бет) «Жамоат тартибини сақлаш чоғида СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг бурчлари ва ҳуқуқлари тўғрисида»ги СССР Қонуни кучга кирган пайтдан бошлаб ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

СССР Олий Советининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 26 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ЧОҒИДА СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ИЧКИ ҚЎШИНЛАРИНИНГ БУРЧЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Ички қўшинлар СССР Ички ишлар министрлиги системасига киради ҳамда ўз фаолиятида СССР қонунларига ва СССРнинг бошқа қонун ҳужжатларига, СССР Президентининг фармонларига, СССР Министрлар Советининг қарорларига, умумҳарбий уставларга амал қилади. Ички қўшинларга раҳбарликни СССР ички ишлар министри, бевосита бошқарувни эса — СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинлари қўмондони амалга оширади.

Ички қўшинлар тегишли қонунларга биноан ҳақиқий ҳарбий хизматга чақириладиган шахсий состав билан бутланади. Солдат ва сержантлар лавозимлари келишувга мувофиқ ихтиёрийлик асосида СССР гражданлари билан бутланиши мумкин. СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг шахсий состави Ватан манфаатларини авайлаб сақлашга, гражданларнинг ҳаёти ва шахсий қадр-қимматини, уларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларини жиноятқорона тажовузлардан ҳамда жамиятга зид бошқа хил ҳаракатлардан ҳимоя қилишга даъват этилган.

2-модда. Ички қўшинлар давлат объектларини, махсус юкларни, ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларини, тарбия ва меҳнат профилакторийларини қўриқлаш билан ўз зиммаларига юкланган бошқа вазифаларни ҳал этиш билан бир қаторда жамоат тартибини сақлашда ички ишлар органларига ёрдам берадилар.

3-модда. СССР Ички ишлар министрлигининг ички қўшинлари жамоат тартибини сақлар эканлар, қуйидаги асосий бурчларни бажарадилар:

1) шаҳарларда милициянинг махсус моторлаштирилган қисмлари кучлари билан, зарур бўлиб қолганда эса оператив мақсаддаги қисмларнинг кучлари билан соқчилик-пост хизматини ўтайдилар;

2) оммавий ижтимоий-сиёсий, спорт ва бошқа тадбирларни, эпидемия ва эпизоотия шароитида карантин тадбирларини ўтказиш, шунингдек ёнғин ва табиий офатлар чоғида жамоат тартибини таъминлашда иштирок этадилар;

3) агар жамоат тартибини бузиш ҳоллари оммавий тус олса, гражданларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф солса, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ишини издан чиқарса ёки давлат, жамоат ва шахсий молмулкка шикаст етказишга ёхуд уни йўқ қилишга қаратилса жамоат тартибини бузишларнинг пайини қирқишда қатнашадилар;

4) ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида жазога ҳукм қилинганларнинг гуруҳ бўлиб бўйсунмаслиги ва уларнинг оммавий тартибсизликлари пайини қирқиш юзасидан чоралар кўрадилар.

Ушбу моддада кўрсатилган бурчларни бажаришга ички қўшинлар СССР ички ишлар министрининг қарорига биноан жалб этилади. Мазкур модданинг биринчи қисмидаги 3-бандда кўзда тутилган ҳолатларда тегишли иттифоқдош ёки Автоном Республика Министрлар Советининг илтимосига ёхуд ушбу масала тегишли итти-

(Давоми иккинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИДА

СССР Олий Совети миллий ривожланиш ва миллатлараро муносабатлар соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш мақсадида СССР Миллий масалалар иттифоқ-республика давлат комитетини тузди.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети биринчи сессиясининг иши поёнига етай деб қолди. Лекин ундаги мунозаралар, баҳслар ҳамон жўшқин. В. Молгачев суратлари.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. 30 март куни эрталабки мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг ўринбосари Т. А. Ешимбетова очди, сўнгра мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси М. И. Иброҳимов олиб борди.

Депутатлар республика ҳукумати таркибига номзодларни муҳокама қилишни давом эттирдилар. Давлат комитетларининг раислари лавозимига даъвогарлар ўзига хос жиддий ва принципиал имтиҳондан ўтдилар. Уларнинг ҳар бири депутатларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтарди. Депутатлар лавозимларга даъвогарлар бўлажак амалий фаолиятни, республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасини вужудга келган вазиятдан қандай олиб чиқиш йўлларини кўзда тутаётганликларини аниқ билишга интилдилар. Ўзбекистон ССР Давлат комитетларининг сессияда тасдиқланган раисларига депутатлар сайловчиларнинг аниқ саволларини топширдилар.

Шу куни ҳукумат аъзолигига тақдим этилган барча номзодлар тасдиқланди.

Депутатлар кечки мажлисда «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги»ги СССР Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Советининг таклифлари ҳақидаги докладни тингладилар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комиссиясининг раиси депутат Э. Х. Халилов доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Б. Н. Маҳмудов, А. И. Фозилбеков, М. Исматов, Т. И. Йўлдошев, Ф. Н. Мирзаева, П. Қ. Қодиров, С. Усмонов, Г. Г. Кондратьев, Д. Ж. Шоҳмардонов, Ш. Ўразаев, Ж. Бозорбоев, Муҳаммад Саидҳўжа Раҳматулла ўғли, К. М. Қамбаров, Б. У. Йўлдошев, М. П. Холбоев, К. Х. Баҳриев, С. Р. Сафарова, О. Ж. Маматова сўзга чиқдилар.

Депутатлар мазкур масала юзасидан қарор лойиҳасини узил-кесил ишлаб чиқиш учун доимий комиссияларга топширишга қарор қилишди.

31 март куни сессия ўз ишини давом эттиради.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси — **Мирсаидов** Шукрулло Раҳматович

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари — **Бєрков** Дмитрий Дмитриевич

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари — **Жўрабеков** Исмоил Ҳакимович

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг фавқулодда вазиятлар бўйича ўринбосари — **Орифжонов** Маҳмуд Маъруфович

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — **Исмоилов** Ўктам Қўчқорович

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари — **Умарбеков** Ўлмас Раҳимбекович

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР давлат моддий-техника таъминоти комитетининг раиси — **Шарипов** Тоҳир Яҳъёевич

Ўзбекистон ССР молия министри — **Маматисаев** Йигит Исаевич

Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри — **Искандаров** Ином Назарович

Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари министри — **Муталов** Абдулҳошим

Ўзбекистон ССР енгил саноат министри — **Икромов** Анвар Солиҳович

Ўзбекистон ССР ички ишлар министри — **Камолов** Вячеслав Мухторович

Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри — **Гиниятуллин** Рим Абдулович

Ўзбекистон ССР монтаж ва махсус қурилиш ишлари министри — **Нўъмонов** Пўлат

Ўзбекистон ССР олий ва ўрта махсус таълим министри — **Алимов** Шавкат Орифжонович

Ўзбекистон ССР алоқа министри — **Раҳимов** Комилжон.

Ўзбекистон ССР савдо министри — **Усмонов** Мираброр Зуфарович

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри — **Баҳромов** Санджалол Маҳмудович

Ўзбекистон ССР ташқи ишлар министри — **Азимов** Сарвар Олимжонович

Ўзбекистон ССР қурилиш министри — **Маҳамадалиев** Қудратилла Ҳикматуллаевич

Ўзбекистон ССР халқ таълими министри — **Юсупов** Комил

Ўзбекистон ССР автомобиль йўллари министри — **Юнусов** Рустам Расулович

Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти министри — **Ахметов** Лерик

Ўзбекистон ССР маҳаллий саноат министри — **Чжен** Виктор Анатольевич

Ўзбекистон ССР социал таъминот министри — **Хўжаева** Санобар Аҳроловна

Ўзбекистон ССР уй-жой-коммунал хўжалиги министри — **Михайлов** Виктор Константинович

Ўзбекистон ССР давлат матбуот комитетининг раиси — **Абдураззоқов** Убайдулла Аббосович

Ўзбекистон ССР давлат меҳнат ва социал масалалар комитетининг раиси — **Ғуломов** Ҳамидулла Ҳабибуллаевич

Ўзбекистон ССР давлат нархлар комитетининг раиси — **Аҳмедов** Қудратилла Аҳмедович

Ўзбекистон ССР нефть маҳсулотлари билан таъминлаш давлат комитетининг раиси — **Мўминов** Ёқуб Турғунович

Ўзбекистон ССР саноатда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш ва кончилик назорати давлат комитетининг раиси — **Аҳмадбоев** Акром Ғуломович

Ўзбекистон ССР давлат статистика комитетининг раиси — **Ҳожимуротов** Шуҳрат

Ўзбекистон ССР давлат сув хўжалиги қурилиши комитетининг раиси — **Бойматов** Тўхтамиш Бойматович

Ўзбекистон ССР давлат табиатни муҳофаза қилиш комитетининг раиси — **Алимов** Темур Аъзамович

Ўзбекистон ССР давлат телевидение ва радиоэшиттириш комитетининг раиси — **Ғойбов** Наим Ёвқочевич

Ўзбекистон ССР давлат физкультура ва спорт комитетининг раиси — **Назиров** Обид

Ўзбекистон ССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси — **Моргасов** Анатолий Сергеевич

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитетининг раиси — **Каримов** Рустам Иброҳимович

Ўзбекистон ССР давлат қурилиш ишлари комитетининг раиси — **Тёмкин** Евгений Сергеевич

Ўзбекистон ССРнинг Тошкент шаҳрида қурилиш ишлари олиб борувчи бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон ССР министри — **Тўлаганов** Козим Носирович

Ўзбекистон ССР Конституциясининг 120-моддасига мувофиқ, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети Раиси лавозими бўйича Ўзбекистон ССР Министрлар Совети таркибига киради.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 30 март.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг **ҚОНУНИ**

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ЧОҒИДА СССР ИЧКИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ИЧКИ ҚЎШИНЛАРИНИНГ БУРЧЛАРИ ВА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

фоқдош ва Автоном Республика Министрлар Совети билан мажбурий тарзда кўриб чиқилиб ёхуд СССР Президентининг фармонини ижро этиш юзасидан қарор қабул қилинади.

Ҳарбий қисмларни қароргоҳларга жойлаштириш учун уларни уй-жой биноларни, коммунал хизматлар, автотранспорт ва ёнилғи-мойлаш материаллари, қўшимча озиқ-овқат билан таъминлаш илтимосига кўра территориясида ҳарбий қисмлар вақтинча вазифаларни бажараётган иттифоқдош, автоном республикаларнинг бюджетлари маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4-модда. Ички қўшинлар жамоат тартибини сақлашга доир бурчларини бажаришлари учун улар зарур махсус воситалар, жанговар ва махсус техника билан таъминланадилар. Шахсий состав ҳимоя воситалари билан таъминланади ва қуролланган бўлиши мумкин.

5-модда. Ички қўшинлар жамоат тартибини сақлаш юзасидан ўзларига юкланган бурчларни бажаришларини таъминлаш мақсадида уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

1) жиноят содир этишда шубҳа қилинган гражданларнинг шахсий гувоҳномаларини текшириш; бошқа таъсир чоралари қолмаганда ҳуқуқ бузишларнинг пайини қирқиш мақсадида ёхуд ҳуқуқни бузувчининг шахсини аниқлаш учун ҳуқуқни бузган шахсларни милицияга олиб бориш;

2) жиноят содир этишда шубҳа қилинган шахсларни тақиб этиш чоғида, шунингдек жамоат тартибига ёки гражданларнинг хавфсизлигига таҳлика солувчи ҳуқуқ бузишларнинг пайини қирқиш учун корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биносига кириш; гражданларнинг ҳаёти ва саломатлигига қарши жиноятларнинг бевосита пайини қирқиш учун уй-жой биноларига кириш;

3) шошилинч ҳолатларда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли алоқа воситаларидан бепул фойдаланиш; жиноят содир этган шахсларни бевосита таъқиб этишда ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ҳолатларда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қарашли транспорт воситаларидан (махсус ва дипломатик автомобиллардан ташқари) фойдаланиш;

4) маҳаллий районлар, айрим иншоотлар ва объектларни қуршаб олиш (қамал қилиш);

5) жамоат тартибини қасддан бузувчи ҳарбий хизматчиларни (ҳарбий соқчилар бўлмаган ҳолларда) қўлга олиш ва уларни ҳарбий комендантлар ёки ҳарбий қисмларнинг командирларига топшириш.

6-модда. Жамоат тартибини сақлашдаги бурчларини адо этишда ички қўшинлар шахсий состави кишанлардан, резина таёқлардан, ёш оқизувчи моддадан, чалғитувчи таъсир кўрсатадиган ёруғлик — товуш қурилмаларидан, тартиб бузувчилар эгаллаб олган хоналарни очиш, транспортни мажбуран тўхтатиш воситаларидан, сув пуркагичлардан, курашнинг жанговар усулларидан, хизматчи итлардан фойдаланиш, қуйидаги ҳолларда зирҳли машиналар ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир:

1) гражданларга, ички қўшинларнинг шахсий составига, жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашда ўз хизмат мажбуриятлари ва ижтимоий бурчларини адо этаётган бошқа кишиларга ҳужумларни даф этишда;

2) оммавий тартибсизликлар ва жамоат тартибини гуруҳ бўлиб бузишларнинг пайини қирқишда;

3) давлат ва жамоат корхоналарига, муассасалар ва гражданларга тегишли бинолар, хоналар, иншоотлар ва транспорт воситаларига ҳужумни даф этишда, шунингдек уларнинг босиб олинган бинолари, хоналари, иншоотлари ва транспорт воситаларини қутқаришда;

4) ички қўшинлар шахсий составига ёки хизмат мажбуриятини адо этаётган ёхуд жамоат тартибини муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашда ижтимоий бурчини бажараётган бошқа кишиларга бўйсунмаган ёки қаршилик кўрсатган ҳуқуқбузарларни қўлга олишда;

5) гаровга олинганларни озод этишда.

Мазкур моддани биринчи қисмида кўрсатилган воситаларни қўлланишдан аввал, қўққисдан ҳужумни даф этиш ва гаровга олинганларни озод қилиш заруратидан ташқари, бундай воситаларни қўллаш нияти тўғрисида огоҳлантириш ва тартиб бузишни тўхтатиш учун етарлича вақт бериш керак. Вужудга келаётган вазиятни, ҳуқуқ бузилиши характери ва ҳуқуқни бузувчи шахсини ҳисобга олиб, махсус восита тури ва уни шошилинч қўллаш белгиланади. Уларни қўлланиш чоғида ҳуқуқбузарларнинг саломатлигига зарар етказмасликка иложи борича ҳаракат қилиш керак.

Ҳаётга таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳужум қилиш ёки қуролли қаршилик кўрсатиш ҳолларидан ташқари, ҳомиладорлиги кўриниб турган аёлларга, ногиронлиги мутлақо аён бўлган кишилар ва болаларга нисбатан махсус воситаларни қўллаш таъқиқланади.

СССР Министрлар Совети СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг хулосаларини ҳисобга олиб, махсус воситалар рўйхатини ва уларни қўллаш қоидаларини белгилаб беради.

7-модда. Ички қўшинлар шахсий составига улар зиммасига юкланган мажбуриятларни адо этиш чоғида жамоат тартибини сақлаш борасидаги хизмат бурчларини бажаришларини таъминлаш мақсадида алоҳида ҳолларда охирги чора сифатида:

1) гражданларни бошқа усуллар ва воситалар билан ҳимоя этиш ёки озод қилиш мумкин бўлмаса, уларнинг ҳаёти ва саломатлигига таҳдид солувчи тажовузлардан ҳимоя қилишда, шунингдек гаровга олинганларни озод қилишда;

2) алоҳида режимдаги ва бошқа муҳим объектларга ҳужумларни даф қилишда, шунингдек қўриқланаётган объектларга қуролли ҳужумларни даф этишда;

3) ички қўшинлар шахсий составига, милиция ходимларига, халқ дружиначиларига ва жамоат тартибини муҳофаза қилиш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги хизмат бурчлари ёки жамоат бурчини бажараётган бошқа кишиларга улар ҳаётига бевосита хавф солаётган ҳужумларни даф этишда;

4) жиноят қилган, қуролли қаршилик кўрсатаётган ёки оғир жиноят содир қилаётганида қўлга тушган шахсни ёхуд қамоқдан қочаётган жиноятчини, шунингдек қуролни топшириш тўғрисидаги қонуний талабларни бажаришдан бош тортаётган қуролли кишиларни қўлга олишда бошқа усуллар ёки воситалар билан қаршиликни бостириш, жиноятчини қўлга олиш ёки қуролни тортиб олиш мумкин бўлмай қолган пайтда охирги чора сифатида қуролни қўлланиш ҳуқуқи берилади.

Қўққисдан ҳужум қилиш ва гаровга олинганларни озод этиш, ҳарбий техникадан, транспорт воситалари, учувчи аппаратлар ва денгиз кемаларидан фойдаланиб ҳужум қилиш, транспорт воситалари ёрдамида қурол билан қамоқдан қочиш, шунингдек транспорт воситалари ҳаракат қилаётган пайтда улардан қочиш ҳолларидан ташқари, тунда ҳамда кўриш чекланган шароитда қуролни қўллаш нияти тўғрисида огоҳлантирилганидан ва осмонга огоҳлантирувчи ўқ узилганидан сўнг қурол қўлланилади

Қурол қўлланилган ҳар бир ҳолат тўғрисида протокол тузилади ва дарҳол прокуратурага маълум қилинади.

Хотин-қизлар ва балоғатга етмаганлар томонидан қуролли ҳужум ёки қуролли қаршилик кўрсатиш ҳолларидан ташқари уларга нисбатан қурол ишлатиш тақиқланади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 26 март.

М. С. ГОРБАЧЕВга фахрий доктор дипломи

ВАШИНГТОН, 30 март. (ТАСС мухбири). СССР Президенти М. С. Горбачев Аляска дорилфунунининг гуманитар фанлар фахрий доктори дипломи билан тақдирланди. Пайшанба куни СССРнинг АҚШдаги элчихонасида совет раҳбарига ана шу фахрий ном берилишига бағишланган маросим бўлди. Дипломни М. С. Горбачевга топшириш учун СССРнинг АҚШдаги элчиси Ю. В. Дубинин қабул қилиб олди ва СССР Президенти номидан Совет давлати бошлиғи ўтказаётган сиёсатга юқори баҳо берганлиги учун самимий миннатдорчилик билдирди ҳамда бу фахрий номнинг берилиши икки мамлакат ўртасидаги янги муносабатлар ифодаси эканлигини таъкидлади. Тадбирда сенаторлар, дорилфунун профессорлари ва студентлари, кўп сонли журналистлар қатнашдилар.

«Бугун совет элчихонасида бўлган тантана Совет—Америка муносабатлари анча яхшиланганлигининг, мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилганлигининг рамзидир, — деб таъкидлади Аляска штатидан сайланган сенатор Фрэнк Мурковски ТАСС мухбири Михаил Колесниченко билан суҳбатда. — Биз Президент Горбачевнинг халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга қаратилган куч-ғайратларига юқори баҳо берамиз.

РЎЗНОМАНИНГ ШУ СОНИГА

ДАСТЛАБКИ ДОВОНДАН ЎТИЛДИ

● ҚАРШИ. Қашқадарё вилояти чорвадорлари КПСС XXVIII съезди шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар сут тайёрлаш бўйича дастлабки квартал планини ошириб бажардилар. Қабул пунктларига 17500 тонна серқаймоқ сут топширилди. Қўлга киритилган муваффақиятга Косон, Нишон, Қарши, Ульянов ва У. Юсупов районларнинг чорвадорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУХОРО, 30 март. (ЎзТАГ). Бугун Бухоро область партия комитетининг пленуми бўлди.

Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари Ю. М. Сажнев XXIV Бухоро область партия конференциясини чақириш муддати ва кун тартиби ҳамда область партия ташкилоти сайлаб қўйиладиган органларини тузиш. КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида ахборот берди.

Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Ёдгоров область партия ташкилотининг қайта қуришни чуқурлаштириш, демократияни ривожлантириш ва область меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий турмуш шароитини тубдан яхшилашга доир ҳаракат программасининг лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди.

Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. С. Т. Жўраева ва Х. Ж. Эргашев Бухоро область партия комитетининг секретарлари этиб сайландилар.

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ўз ишини давом эттирмоқда

МАЖЛИСЛАР КУНДАЛИГИ

Республика Министрлар Советининг Раиси Ш. Р. Мирсаидовнинг докладини муҳокама қилаётган Ўзбекистон ССР халқ депутатлари нутқларини баён тарзида эълон қилишда давом этамиз.

Андижон область Ўртақ Шаҳрихон қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси депутат **Т. Зоҳидбоева** (155-Пахтаобод сайлов округи) нутқидан:

— Министрлар Советининг Раиси бизни илҳомлантирадиган фикрларни айтди. Уларнинг амалга оширилиши натижасида халқнинг фаровонлиги жуда яхшиланади. Ўз таклифларимни айтмоқчиман. Депутатлар комиссиялари масалаларни минбардан туриб эмас, балки, энг аввало, уларни жойларнинг ўзида ўрганган ҳолда бартараф этишлари керак.

Мен қишлоқ Советининг раиси сифатида ҳар куни қандай муаммоларга дуч келаман? Бу одамларни ишга жойлаштириш, кам таъминланган оилалар турмуш даражасини ошириш, болалар боғчалари ва мактаблар, уй-жой ва маданий объектлар қуриш каби муаммолардир. Маҳаллий Советларни мутахассислар билан мустаҳкамлаш, уларнинг ишини қайта кўриб чиқиш керак. Қишлоқда соғлиқни сақлаш, маориф, маданият соҳаларида ҳам малакали кадрлар етишмайди. Масалан, табобат пунктига ҳар йили атиги 200 сўм ажратадилар. Бу пул билан аҳолининг эҳтиёжини қандай қондириш мумкин, ахир? Ана шу пулларга дори-дармон, жиҳозлар ва шунга ўхшаш нарсаларни сотиб олиш керак.

Маблағлар етишмаслиги натижасида кўп нарсаларни ҳашар йўли билан қуришга тўғри келяпти. Қарийб юз минг киши яшайдиган районда битта туғуруқхона бор. Бундай аҳвол қачонгача давом этади? Соғлиқни сақлаш ишлари яхши йўлга қўйилмаган деймиз, ҳолбуки республикада одамлар тушунадиган тилда табобат муаммолари тўғрисида ёзадиган бирорта газета ёки журнал йўқ.

Халқ узоқ қишлоқлардаги муаммолар ҳал қилинишини кутмоқда. Биз, депутатлар, ўз мақсадимизга эришмагунча министрларга тинчлик бермаймиз.

Хоразм область ижроия комитетининг раиси депутат **Қ. Ҳалимбетов** (472-Янгибозор сайлов округи) ҳукумат таклиф этган тадбирларни қўллаб-қувватлади:

— Муҳокама қилинаётган ҳужжат жуда муҳим бўлиб, у давр талабларига жавоб беради. Лекин, менинг назаримда, ҳужжатда барча регионал муаммолар ҳисобга олинмаган. Бу, айниқса, сув танқислиги сезилаётган, аҳоли ниҳоятда зич яшайдиган районларга тааллуқлидир. Хоразм ҳам шундай областлар қаторига киради. Ҳозир областда 1 миллион 41 минг киши яшайди. Кейинги 20-25 йил ичида аҳоли уч баравар кўпайди. Ҳар йили 20 минг кишидан иборат меҳнат ресурслари қўшилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ бизда 84 мингдан кўпроқ меҳнатга лаёқатли аҳоли ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этилмаган. Турли объектив ва субъектив сабабларга кўра, областимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан жуда орқада қолиб кетди. Аҳоли жон бошига пахта тозалаш саноатини ҳисобга олмаганда саноат маҳсулоти республикамиздаги ўртача даражадан икки баравар кам ишлаб чиқарилмоқда ва у атиги уч фоизни ташкил этади.

Аҳоли ичимлик суви билан марказлашган ҳолда 20 фоиз таъминланмоқда, канализация иншоотларига эҳтиёж эса 5 фоиз қондирилмоқда, касалхоналар етишмайди, 163 та мактаб мослаштирилган биноларда жойлашган. Кўпгина аҳоли пунктлари газлаштирилмаган, ҳаммомлар, маиший хизмат корхоналари етишмайди. Меҳнат ресурсларининг ўсиши ишлаб чиқариш ўсишидан илгарилаб кетмоқда. Бу халқнинг норозилигини кучайтирмоқда. Шу боисдан программани тўлатўкис қўллаб-қувватлаймиз ва уни амалга ошириш учун ҳамма ишларни қиламиз.

Областимизда яхшилик сари ўзгаришлар бошланди. Одамларни иш билан машғул қилиш учун кооперативлар, якка тартибдаги касаначилик меҳнатини ривожлантириш сингари усуллардан фойдаланмоқдамиз. Деҳқонларга ажратиб берилган 12,5 минг гектар ернинг саккиз минг гектардан кўпроғида уй бекалари ва аҳолининг ишламайдиган қисми меҳнат қилиши учун шарт-шароит яратилган. Лекин бу билан ишсизлик муаммоси тугамайди. Ҳисоб-китобларимизга қараганда, агар қатъий тадбирларни амалга оширмасак, бизда 2000 йилгача 200 минг ишсиз бўлади. Биз ўз қишлоқ хўжалик маҳсулотларимизни қайта ишлай бошлаш, фан-техника тараққиётига кўмаклашадиган янги замонавий корхоналар қуриш ниятидамиз.

Бизда бошқа областларга нисбатан экология муаммолари анча ўткир бўлиб турибди. Амударёга зарарли, ифлос сувлар ташланмоқда. Сувни кимёвий йўл билан тозалашга ажратилган маблағлар ўз ўрнида сарфланмаяпти. Мутахассислар, олимлар билан қалин алоқада ишлаш керак, деб ўйлайман.

Биз ҳорижий давлатлар билан ҳам алоқаларни ривожлантириш ниятидамиз. Область ижроия комитети ҳузурида алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашувчи уюшма тузилган, у Ташқи ишлар министрлигида рўйхатдан ўтказилган. Ҳорижий шерикларимиз билан биргаликда янги иш ўринларини вужудга келтиришга умидвормиз. Чет эл туризми ҳақида икки оғиз гапирмоқчиман. Хивага ҳар йили 30 мингга яқин сайёҳ келиб кетади. Улар маҳаллий бюджет ҳисобига бунёд этилган турли коммуникациялардан, савдо ва маиший ташкилотлардан фойдаланадилар. Ёдгорликларни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштиришга кўп пул сарфлаймиз. Лекин давлат чет эл туризми комитети келаётган ҳамма валютани ўзида олиб қолмоқда. Бу маҳаллий бюджет фойдасига ҳал қилиниши лозим бўлган муаммодир.

Республикамизнинг бошқа регионида ҳам ўткир муаммолар кўп. Уларни Наманган область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари депутат **С. Тошпўлатов** (271-Алихон сайлов округи) шундай баён қилди:

— Программа дадил ёзилган, у жойларда жиддий ишлаш учун яхши асос бўлади, деб ҳисоблайман. Лекин, назаримизда, барча муаммоларга ҳам етарли эътибор берилмаган. Ер муаммоларига кўп ўрин ажратилган, аммо ҳар бир областда мазкур масалаларнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Бизда аҳоли жуда зич жойлашган, ерлар етишмайди. Бу эса ишсизлик муаммосини кескинлаштиради. Наманган областида ишсизлар республикада энг юқори кўрсаткичлардан бирини ташкил этади, турмуш даражаси эса ниҳоятда паст. Ўзингиз ўйлаб кўринг: аҳоли жон бошига миллий даромаднинг улуши умумиттифоқ даражасидан икки ярим баравар, республика даражасидан 12 фоиз орқада қолмоқда.

Аҳолининг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда оддий шарт-шароит яратилмаган. Газ, канализация йўқ, ичимлик сув, касалхоналар, болалар боғчалари, мактаблар, бошқа ижтимоий-маданий-маиший объектлар етишмайди.

Қишлоқ оилаларининг кўпчилиги пиллачилик билан шуғулланади. Бироқ ипакчилик ишлаб чиқариш чиқиндилари ускуналар йўқлиги сабабли қайта ишланмайди. Улар ё бракка чиқарилади ёки арзимаган пулга республикамиздан ташқарига сотиб юборилаверади. Ҳозир республикамизнинг хўжалик ҳисобига ўтиши билан аҳвол ўзгармоқда. Наманганда аврли газламалар комбинатида пилла чиқиндиларини қайта ишлашни йўлга қўйиш ниятидамиз. Ҳисоб-китобларга қараганда — бу маърузада ҳам айтилди — 70-80 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Нарх-навонинг қимматлашаётганлиги ҳам қишлоқ аҳолини ташвишга солмоқда. Нарх-наво икки томонлама қимматлашмоқда. Ижтимоий суғурта учун, қишлоқ хўжалик асбобларини ижарага олганлик учун тўланадиган ҳақ кўпаймоқда. Сувни ҳам пулли қилишмоқчи. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Бу эса нарх-наволар бутун занжир бўйлаб ўсишига олиб келади, энг аввало маҳсулот таннархи ошади, демак, чакана нархлар ҳам қимматлашади, бу эса кўп шаҳарликларнинг ночор оилавий бюджетига таъсир қилади. Шу сабабли биз, депутатлар ҳар бир муаммони ҳал этишга жуда ўйлаб ёндашишимиз, уни комплекс равишда республикамизнинг ва ҳар бир кишининг манфаатлари нуқтаи назаридан муҳокама қилишимиз керак.

— Ш. Р. Мирсаидов докладида ўртага қўйилган таклифлар амалга оширилса республикада яхши ўзгаришлар бўлади, деб ўйлайман, — деди «Узбекгазстрой» трестининг бошқарувчиси депутат **В. Содиқов** (416-Файзиобод сайлов округи). — Сайловчиларимиз наказларини бажариш учун биз уларни умумлаштиришимиз, ҳозирги сессиянинг ўзидаёқ планларга киритишимиз ва маҳаллий Советлар билан қалин ҳамкорликда ҳаракат қилишимиз керак.

Республиканинг шаҳарлари, районлари ва қишлоқ аҳоли пунктларини газлаштириш ҳукумат программасининг асосий бандларидан биридир. Маълумки, бизда йилига 40-41 миллиард кубометр газ ишлаб чиқарилади. Ўтган йили республикада 34 миллиард 600 миллион кубометр газ ишлатилди, 1990 йилда атиги 0,9 фоиз ўсиш режалаштирилган. Шаҳарларда ўрта ҳисобда 73 фоиз аҳоли, қишлоқларда эса атиги 15,9 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланган.

Докладда беш йиллик мобайнида бутун республика газлаштирилиши айтилган. Лекин буни қандай қилиш керак? Лойиҳа-смета ҳужжатлари, ресурслар зарур.

Бекободда металлургия заводида қувур заводини қуриш керак. Корхоналар бу ерга темир-терсакларни топширишлари зарур. Қўшимча темир-терсак топширадиган корхоналарга қўшимча қувурлар ажратиш керак. Мавжуд лойиҳа институтини кенгайтириш ҳам, уни бевосита буюртмалар билан таъминлаш, лойиҳачиларни кўпайтириш зарур. Лойиҳаларни тайёрлаб, материал ресурслар билан таъминлаб, қурилиш ташкилотлари қувватларини ошириш лозим.

Трестимиз ҳар йили 32 миллион сўмлик иш бажаради. Биз 16 февралда қарор чиқарганмиз. Бу қарорга кўра газлаштириш суръатларини оширмаслигимиз, балки аксинча камайтиришимиз керак. Яъни газлаштириш билан шуғулланувчи корхоналардан бирини ёпиш, сўнгра эса янгисини барпо этиш кўзда тутилган. Агар ҳозир биз ўзимизникига ўхшаган яна бир трестни тузган тақдиримизда ҳам республикамизнинг талаб-эҳтиёжларини қондира олмаймиз. Катта районларда кўчма колонналар ташкил этиш керак. Бу эса одамларни иш билан таъминлаш ва мазкур районларни тезроқ газлаштириш имконини беради. Ҳар йили биз Газ ва нефть саноати министрлигидан пландан ташқари 100 километр қувурни сўраймиз, лекин бу ҳам етмайди. Агар биз иш суръатларини икки баравар ошириск, унда қўшимча равишда 2,5-3 минг километр қувур сўрашга тўғри келади. Барча резервларни ишга солиш керак. Ана ўшандагина биз режалаштирилган ишларни бажарамиз.

● *Сессия сайловчилар диққат-марказида*

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси якунланмоқда. Сессиянинг боришини деярлик бутун жумҳуриятимиз халқлари диққат билан кузатмоқдалар. Уларни ишонч билдирган вакиллари улар номидан қандай масалаларни ҳукумат олдига қўяётгани, жумҳуриятимизнинг истиқболдаги ривожи қандай бўлиши сайловчиларни ҳам ўйлантиряпти, тўлқинлантиряпти. Қуйида сессия ҳақида сайловчилар фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Дадил қадам

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси ишини мунтазам кузатиб боряпман. Аввало, сессиянинг ойнаи жаҳон орқали бериб борилиши биз, қишлоқ аҳлини жудаям қувонтирди. Республика Президенти ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раислигига икки номзодни тавсия этганлиги эса маҳаллий партия, совет органлари раҳбарлари учун ибратли бўлди, деб ўйлайман. Чунки ҳалиям кўпгина раҳбарлар бу усулдан чўчийдилар. Ўз қарашларининг халқ фикри билан бир хил чиқишига ишонмаганликларидан шундай йўл тутадилар ва чакки қиладилар.

Ҳақиқатдан ҳам қишлоқларни газлаштириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, кўп болали оналарга ғамхўрлик каби масалалар бугунги куннинг долзарб муаммоларидир.

Кўпгина халқ депутатларининг комиссиялар раислари ҳамда министрларни тасдиқлаш жараёнидаги фаоллигини ҳам олқишлаш керак. Шу даврга қадар ҳукумат бошлиқлари, бўлғуси министрлар, бошқа раҳбар ходимлар тўғрисида, уларнинг жамиятда юз бераётган ўзгаришларга муносабатлари хусусида бунчалик кенг маълумотга эга бўлолмас эдик. Лекин бу ўринда яна шуни керакки, баъзи депутатлар мунозарага фаол аралашиш ўрнига, юзакичилик қилмоқдалар. Баъзан нотиқларга пухта ўйланмаган, ўринсиз саволлар бериляпти. Айрим ҳолларда мажлислар залида бўш ўриндиқлар сони кўпайиб қолгани ҳам сезилаётир. Халқ ишониб сайлаган депутатларнинг сессиядаги бирор масала муҳокамасидан четда туришини тасаввур қилолмайман.

Шунга қарамасдан сессия ишидаги ошкоралик, демократия руҳи жумҳурият аҳолисида қайта қуриш муваффақиятига ишонч туғдириб, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида дадил қадамлар ташланаётганлигидан далолат бериб турибди.

С. ЙЎЛДОШЕВ,
Фориш районидаги Киров қишлоқ Совети депутати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими.

ХАЛҚ ФИКРИГА ТАЯНИБ

Ҳақиқат баҳсда туғилади

Аввалги сессияларнинг қандай тарзда ўтганлиги ҳаммамизга яхши маълум. Кун тартибига қўйилган масалалар қарийб ўзгаришсиз якдиллик билан қабул қилинарди. Юқорилавозимларга тавсия этилган кишилар ҳам ҳеч бир эътирозсиз тасдиқдан ўтар эди. Ҳайриятки бу даврлар ортда қолди. Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси демократия, ошкоралик вазиятида ўтаётганлиги билан биз, сайловчиларга маъқул бўляпти.

Ҳақиқат баҳс-мунозарада юзага келади. Сессияда ҳар бир масалани муҳокама қилишда фикрлар хилма-хиллигига амал қилишга интилиняпти. Тўғри, бунга ҳамиша бирдай риоя қилиняпти деб бўлмайди. Масалан, министрларни сайлаш даврида бу кўзга ташланиб турди. Уларнинг айримларига депутатлар томонидан кўпдан-кўп саволлар берилди. Бошқа бирларига нисбатан бундай имконият яратилмади.

Депутатларнинг фаоллиги, масъулиятни ҳис эта билишлари ўз сайловчиларининг истак ва эҳтиёжлари учун жон куйдиришаётгани бизни мамнун этяпти. Шу боис кўплаб муаммоларга нисбатан муносабат ўзгаряпти, масалаларнинг туб моҳияти очиляпти, энди сўз эмас, аниқ амалий ишлар зарурлиги юракдан ҳис этиляпти. Муаммолар, камчиликлар эса кам эмас. Биргина Урганч шаҳрини олайлик. У йилдан-йилга чирой очиш ўрнига ғариблашиб бораётир, десак муболаға бўлмайди. Чунки у экологик фалокат зонасида жойлашган. Оқибатда дарахтлар қуриётир. Оддий гулни парваришлаш ниҳоятда оғир кўчаётир. Шундай бир шароитда шаҳарни ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш ишларига ниҳоятда кам маблағ ажратилмоқда. Корхоналарнинг ўзлари ишлаб топган соф даромади қирқиб олиняпти. Улар ҳозир муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишдагина эмас, ижтимоий муаммоларини ҳал этишда ҳам мушкул аҳволга тушиб қолган.

Сессияда қишлоққа кўпроқ эътибор бериш зарурлиги бот-бот такрорланяпти. Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлиши зарур. Лекин шаҳарларимизни ҳам унутмайлик. Айни кезда Оролбўйи регионида яшаётган кишилар, айниқса болалар ва оналарнинг оғир аҳволини ҳам ёддан чиқармайлик. Бу борада биз, сайловчилар ҳозирлик депутатлардан фаолроқ бўлишларини истар эдик.

К. МАТЧОНОВ,
Урганч шаҳар бош архитектори.

Қизғин мунозаралар

Мактабимиз педагогик коллективи ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясини «зангори экран» орқали зўр қизиқиш билан кузатиб боряпти. Сессия жуда қизғин мунозаралар, баҳслар билан ўтмоқда. Жумҳуриятимизнинг биринчи Президенти, Министрлар Совети Раисининг сайланиши, министрлик лавозимларига номзодлар танланиши баҳслари бизда катта қизиқиш уйғотди. Барча министрлар депутатларнинг розилиги билан тайинланди. Бу — чинакам демократиядир.

Узбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ш. Р. Мирсаидовнинг докладида жумҳуриятимизнинг иқтисодий имкониятлари ўз аксини топди. Аҳоли уй-жой билан ҳаддан ташқари қониқарсиз таъминланганлиги устига мактаблар, мактабгача болалар тарбия муассасалари, касалхоналар, кутубхоналар ва клублар билан таъминланиш бундан ҳам оғир аҳволда. Жумҳуриятимизда 18 мингдан зиёд ўринга эга бўлган мактаб бинолари, жумладан, қишлоқ мактабларининг аксарияти авария ҳолатида.

Биз ушбу масалада аниқ ваъдаларни эшитдик. Бу ваъдалар амалга оширилади, деб умид қиламиз.

М. ЭРГАШЕВА,
Андижон шаҳридаги 31-ўрта мактаб ўқитувчиси.

ЕР БОЙЛИКЛАРИ— УНИНГ ОМИЛКОР ЭГАЛАРИГА

Геология тармоғининг асосий вазифаси республиканинг минерал-хом ашё базасини янада мустаҳкамлаш ва бебаҳо табиат бойликларидан оқилона фойдаланишдан иборат. Геологлар кунига бағишлаб 30 март куни Тошкентда ўтказилган тантанали йиғилишда шу ҳақда гапирилди. «Узбекгеология» бошқармасининг бошлиғи Т. Шоёқубов доклад қилди.

Тармоқнинг меҳнат коллективлари фойдали қазилма бойликларининг барча турлари бўйича запасларни ўстириш топшириқлари бажарилишини таъминлаётганликлари йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Хўжалик ҳисобининг иккинчи турига ўтиш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор шаклларини жорий этиш бунда коллективларга кўмак бермоқда.

Бироқ республиканинг ер ости бойликларидан ҳамон пала-партишлик билан фойдаланилаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бир қанча конлар ўнлаб йиллар давомида фойдаланиш учун ўзлаштирилмаётганлигини, бу эса ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганини кўрсатувчи кўпгина мисоллар келтириб ўтилди.

(ЎзТАГ).

КЎКЛАМ МЕҲНАТ БИЛАН КЎРКАМ

Хўжаликларга—уруғлик чигитлари

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Термиз пахта тозалаш заводининг ходимлари хўжаликларга кўплаб уруғлик чигит юбормоқдалар. Улар шу кунгача «Термиз—16» районлаштирилган нав уруғликларидан 485 тонна уруғ тайёрладилар. Булар эрта-индин кенг майдонларга экила бошлайди.

Бу борада корхонанинг илғор ишчиларидан Исмоил Суюнов, Чори Мусурмонқулов, Шомурод Қодиров ва бригада бошлиғи Раззоқ Наимовлар бу муҳим ишда алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Корхона лаборанти комсомол аъзоси Холнисо Мусаева ҳам хўжаликларга жўнатилаётган уруғликларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор берди.

Суратда: К. Суюнов, Ч. Мусурмонқулов, Ш. Қодиров ва Р. Наимовлар.

И. ХУЖАЕВ сурати (ЎзТАГ).

МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

Денов районидаги «8 Март» колхозининг Ш. Маллаев бошлиқ озуқачилик бригадаси аъзолари бу йил 17,5 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти.

Маккажўхорининг ҳар гектаридан 40,5 центнердан дон ва 155 центнердан силос олишга аҳд қилишган. Яқинда улар ҳосил учун яхши замин яратишди. Барча майдонларга барака уруғи қадаб бўлинди. Бу ишда Ғ. Мирзаев, А. Маллаев, Ч. Норқобилов сингари дала гвардиячиларининг ҳиссаси катта бўлди. Шунингдек, хўжаликнинг Ч. Жумаев бошлиқ бригадасида ҳам маккажўхори экиш барвақт якунланди.

У. БЕКМУРОДОВ.

ПУДРАТЧИЛАР ШИЖОАТИ

Тошкент районидаги «Тошкент» совхозининг 645 та оилавий звеноси аъзолари баҳорнинг илиқ кунлари келиши биланоқ тезкорлик билан ишга киришдилар.

Ҳозиргача 70 гектар ерга картошка, 42 гектар ерга эртаки карам кўчатлари экилди. Бу экинзорларда дастлабки парвариш ҳам бошлаб юборилди. Бундан ташқари 12 гектар ерга сабзи уруғи сепилди. 14 гектар майдонга бодринг, 17 гектар ерга ош лавлаги экилди.

Хўжаликда алмашлаб экишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, бу йил 60 гектарли эски беда бузилиб, ўрнига маккажўхори уруғи қадалди. Чарчаб қолган шунча ерга эса беда уруғи сепилди. Бу ишларда Юсуф Турсунов, Тўра Тўлаганов, Боқибой Эгамбердиев ўртоқлар бошлиқ бригадалар олдинги сафда бормоқдалар. Пудратчи звенолардан Орифжон Салимов, Носиржон Ашуров, Икром Ашуров, Суннат Жабоев бошлиқ оилалар далаларида экинлар баравж ўсмоқда. Хўжаликда 116 гектар майдонга помидор экиш бошлаб юборилди. Ҳозир ҳар куни 8—9 гектар ерга кўчат экилаётир.

— Совхозимиздаги барча экин майдонлари пудратчи звеноларга бўлиб берилган, — деди биз билан суҳбатда совхоз бош агрономи Н. Холмуҳамедов. — Хўжалигимизда алмашлаб экиш тўла жорий этилди. Кейинги пайтларда минерал ўғитлардан фойдаланишни камайтирдик. Бизда асосан маҳаллий ўғитлар ишлатилади. Бу ўзининг яхши самарасини бермоқда.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

ЯНГИ ЗИҒИРЗОРЛАР

Косон райони колхоз ва совхозларида яқинда олтита мойжувоз ишга туширилди.

Бу ўз-ўзидан мўл хом ашё етиштиришни тақозо қилади. Шунинг учун деҳқонлар эрта кўкламда 1300 гектар ерга зиғир, кунжут ва тариқ экишни мўлжаллашганди. Район хўжаликларида ҳозиргача 400 гектар ерга зиғир уруғи сепилди. Бу ишларда «Гулбоғ», Чуйков номли совхозларнинг коллективлари пешқадамлик қилишмоқда.

Колхозлар ва совхозларда бошқарув аппаратини қисқартириш яхши самара бермоқда

Кейинги йилларда кўпчилик колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш, инженер-техник ходимлар, хизматчилар ва кичик хизматдаги кишилар сонини ва уларга бўладиган харажатларни қисқартириш бўйича катта иш олиб борилди. 1989 йилда раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг салмоғи барча ходимлар сонига нисбатан бирмунча камайди. Бу колхозлар бўйича 5,4 совхозлар бўйича 6,3 фоизни ташкил этди. Уларнинг меҳнатига тўланадиган харажатлар ҳам сезиларли даражада қисқарди.

Бироқ Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Бухоро, Наманган, Сурхондарё ва Сирдарё вилоятларининг хўжаликларида бошқарув аппаратининг салмоғи жумҳуриятнинг ўртача кўрсаткичидан анча ортиқ. Бундай аҳволни бошқа вилоятлардаги қатор районларда ҳам учратиш мумкин.

Илғор хўжаликлар тажрибаси ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шаклларини жорий эта бориб, бошқарувни анча соддалаштириш, бошқарувга бўлган харажатларни тежабгина қолмай, уни яхшилаш мумкинлигини ҳам кўрсатмоқда. Бу маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат ва маблағ харажатларини камайтиришнинг самарали йўлидир.

Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз 1989 йил январидан ишлаб чиқаришни ижара кооперативлари орқали бошқаришга ўтди ва бошқарув аппаратидаги 60 ходим лавозимини қисқартирди. Бу меҳнат ҳақи фондидан йилига 150 минг сўм тежалишини кўрсатди. Ўтган йили бу колхозда бошқарув ходимлари сони 35 нафар, шу жумладан раҳбарлар 9 кишини ташкил этди. Бунинг яхши томони шуки, хўжалик мутахассислари ишлаб чиқариш кооперативларини бошқарадилар, уларнинг меҳнатига ва моддий рағбатлантириш учун ишнинг пировард натижасига қараб ҳақ тўланади.

Қашқадарё вилоятининг Қамаши районидаги «Фарғона» совхози ва Китоб районидаги Куйбишев номли колхоз идора ходимлари сонини 9 кишига қисқартирди. Наманган вилоятининг Чортоқ районидаги «Москва» колхозида, Уйчи районидаги «Гулистон» совхозида ҳам раҳбар ходимлар сони шу даражада қисқартирилди. Бошқа бир қатор хўжаликларда ҳам бу хайрли иш амалга оширилди. Бу хўжаликларда ўтган йили бошқарув ходимлари сони оз бўлишига қарамай, хўжалик ва молиявий фаолиятнинг кўрсаткичлари анча яхшиланди.

Шунингдек, 260 колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришни бошқаришнинг цех структурасига ўтиб, раҳбар ходимлар, мутахассислар ва хизматчилар сонини 2,3 минг кишига қисқартириб, иш ҳақи фондини йилига 4,6 миллион сўм тежаш имкониятига эга бўлди.

Бошқарув ходимлари сонини қисқартириш ижара усулида ишлаётган хўжаликларда тўла амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Қўнғирот районидаги «Хоразм» совхозида ижара муносабатларини жорий этиш йўли билан раҳбар ходимлар сони 24 кишига қисқартирилди. Уларнинг сони «Қўнғирот» совхозида 10 кишига ва Кегайли районидаги «Халқобод» совхозида 22 кишига қисқарди.

Ишлаб чиқаришни бошқариш цехи структурасига ва ижара муносабатларига комплекс тарзда ўтилганида янада кўпроқ фойда бериши яққол намоён бўлмоқда. Жиззах вилояти Дўстлик районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози раҳбар ходимлар, мутахассислар ва хизматчилар салмоғини ходимларнинг умумий сонига нисбатан 4,7 фоизга, яъни вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан 2,1, жумҳуриятдагидан эса 1,5 баробар кўп қисқартирди. Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоз цех структураси ва ижарага ўтиб, бундай категориядаги ходимлар салмоғини 4,3 фоизгача қисқартиришга эришди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети колхозлар ва совхозларнинг хўжалик ҳисобига ўтиш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитларида ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш масалалари алоҳида аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти Қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети, вилоятлар ва районларнинг деҳқончилик саноати уюшмалари қисқа муддат ичида ҳар бир колхоз ва совхоздаги бошқарув аппарати сонини ўша жойнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда қараб чиқиши ва уни қисқартириш учун аниқ тадбирларни белгилашлари лозим.

Бунинг учун юқорида келтирилган илғор хўжаликларнинг тажрибаларидан фойдаланиб, колхозлар ва совхозларни ижара ҳамда кооператив муносабатларга ўтказишни тезлаштириш керак. Шунингдек, ижарага ўтган хўжаликларнинг банклар олдидаги тўлови — кечиктирилган қарзлари ўчирилади.

Жойларда бошқарув аппаратининг структураси ва ходимлар сонини қисқартириш ҳақидаги масала меҳнат коллективларининг умумий мажлисида кўриб чиқилиши зарур.

Ш. АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети раисининг ўринбосари.

НЕЧТА РАҲБАРИНГИЗ БОР?

Осмон кенгликларида

СИНОВ ЯХШИ ЎТДИ

27 март куни Термиз аэропортига биринчи классли ТУ—154 ҳаво кемаси илк бор келиб қўнди.

У Тошкентдан техникавий синов тариқасида учиб келганди. Шундай қилиб, Термиз аэропортида бунёд этилган уч километрли учиш-қўниш полосаси бўлган янги комплекс сўнгги синовдан ўтказилди.

Энди жумҳуриятимизнинг энг жанубий шаҳри Москва, мамлакатимизнинг турли регионлари билан бевосита ҳаво йўли орқали алоқа боғлайди. Пассажирлар ташишгина эмас, айни вақтда юклар, энг аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш ҳам анча кўпаяди. Апрель ойининг охирларидаёқ эртанги карамнинг дастлабки туркумини Сурхондарёдан ташқарига жўнатиш режалаштирилган. Йил мобайнида ИЛ—76 юк самолётларида мамлакатимиз пойтахтига, РСФСРнинг марказий қисмидаги бошқа шаҳарларга, шунингдек Сибирь ва Узоқ Шарққа 250 минг тонна янги узилган сабзавот, шунингдек, мева, узум ва полиз экинлари етказиб бериш мўлжалланмоқда.

• «Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«РИЗҚИ СОЧИЛГАН ЙИГИТ»

Газетамизнинг шу йил 18 январь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада республика Алоқа министрлигининг Қашқадарёдаги 9-автотранспорт корхонасида давлат маблағи талон-торож қилинаётганлиги очиб ташланган эди. Ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги ва Қашқадарё область прокуратурасидан жавоб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ:

Жумҳурият Алоқа министрлиги вакиллари Қашқадарё вилояти алоқа ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 9-автотранспорт корхонасига бориб, текшириш ўтказдилар.

Корхонанинг собиқ ходими Қ. Васиев ҳужжатларга кўра 8389 литр ёнилғи, 1200 литр машина мойи камомадини келтириб чиқарган ва 7335 литр ёнилғи, 1200 литр дизель ёнилғисининг зиёд чиқишига сабабчи бўлган. Келтирилган зарарнинг ҳаммаси 2816 сўмни ташкил этади. Қ. Васиев йўл қўйган камчилиги учун 1989 йилнинг ноябрь ойида ишдан бўшатилиб, зарар миқдори ундириб олинган ҳамда жиноий жавобгарликка тортилган.

Автотранспорт корхонасининг шу йил 25 январда бўлиб ўтган меҳнат коллективи йиғилишида газетадаги танқидий мақола муҳокама қилинди ва ўтказилган текширув якунлари тўғрисида маълумот берилди. Йиғилишда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ҳисоб-китобини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ПРОКУРАТУРАСИ:

Мақола юзасидан вилоят прокуратураси текшириш ўтказди. Аниқланишича, Қаҳрамон Васиев 1989 йилнинг май-июль ойларида Қашқадарё вилояти алоқа бошқармасига қарашли 9-автотранспорт корхонасида ёнилғи маҳсулотларини тарқатувчи вазифасида ишлаган. Шу даврда мобайнида 3423 сўм 70 тийинлик бензиннинг кам келиши ва 2294 сўм 40 тийинлик бензиннинг ошиқча чиқишига сабабчи бўлган.

Ушбу камчилик юзасидан вилоят ички ишлар бошқармаси БХСС мухтор вакили Х. Жўрақулов томонидан дастлабки текшириш ишлари олиб борилган. Тўпланган маълумотлар юзасидан жиноий иш қўзғатиш рад қилинган.

Вилоят прокуратураси тўпланган материалларни назорат тартибида ўрганиб чиқиб, жиноий иш қўзғатиш асоссиз рад қилинганлигини аниқлади. Шу йил 20 февралда Қ. Васиевга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

Қаҳрамон Васиевга нисбатан тўпланган материаллар юзасидан асоссиз қарор чиқарган Х. Жўрақуловни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарор вилоят ички ишлар бошқармасига юборилди.

РЕДАКЦИЯДАН: Маълумки, мақола асосан автокорхона директори Азамат Тоштемировнинг қанчадан-қанча нефть маҳсулотларини ҳуфёна пуллаб, давлатга зарар келтирган ҳақида эди. Аммо Алоқа министрлиги жавобида директор ёнилғи қуювчи деб ёзилган. Прокуратурадан олинган жавобда эса директорнинг ишлари ҳақ ёки ноҳақлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Нефть маҳсулотлари кам ва ортиқча чиқишида ёнилғи қуювчи Қаҳрамон Васиев асосий айбдор, деб топилган.

Ваҳолонки, Қ. Васиев аслида моторчи бўлса ҳам Азамат Тоштемировнинг хоҳиш-иродасига кўра моддий масъулияти бор бўлган бензин қуювчилик вазифасини бажариб турган. Текшириш ўтказилган кунидагина унга аппаратнинг буйруқ берилиб, бажараётган вазифаси қонунлаштириб қўйилган. Нега берилган расмий жавобда асосий айбдор четда қолиб, бошқасига айб тўнкалган? Шуниси жумбоқ бўлиб турибди.

ШИФОБАХШ ИЧИМЛИКЛАР

Тошкент областининг Қибрай яхна ичимликлар комбинати коллективи кейинги пайтларда аҳоли учун кўплаб шифобахш ичимлик тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда ГФР нинг «Кайо» фирмаси билан биргаликда янги хил маҳсулот ишлаб чиқарила бошлади. Бу «Дайт» деб аталади. Цитрус мевалари шарбатидан тайёрланган бу ичимлик таркибида инсон саломатлиги учун фойдали дармон дорилар кўп. Чунончи, қанд касаллиги билан оғриган кишилар ҳам истеъмол қилиши мумкин. Ҳозир ана шу ичимликнинг бир туркуми савдо шохобчаларига жўнатилди.

Суратда: корхонанинг шифобахш ичимликлар конвейери. Ишчан машинист Маъмура Абдуллаева иш жараёнида.

М. НУРИДДИНОВ сурати.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

2 апрель, душанба

УзТВ-I. 11.30 География. 12.00 Телефильм. 12.30 Физика. 13.00 «Маҳбубим, азизим, суюклигим. ёлғизим». Бадиий фильм. 17.30 Телефильм. 18.05 Мультфильмлар. 18.25 «Ешлик». 19.00 «Ипакчилик». 19.30 Ахборот. 19.50 Ёшлар овози. 20.30 Время 21.00 Концерт. 22.00 Ахборот. 22.20 «Аёллар тангоси». Бадиий фильм. 23.50 Янгиликлар.

УзТВ-II. 18.10 «Қамал». Бадиий фильм, 1-фильм. 20.00 Ҳужжатли фильм. ДУШАНБЕ. 20.30 Время. 21.00 Тожикистон политехника институти. 22.00 Ахбор. 22.20 «Минархарлик Жўра овчи». Бадиий фильм, 1-серия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильмлар. 8.30 «Изтопар». Бадиий фильм. 10.00 Футбол шарҳи. 10.30 Ҳужжатли фильм. 11.00 «Пи» белгиси билан. 15.00 Ҳужжатли фильм. 16.00 «Бекинмачоқ». 16.30 Болалар соати. 17.30 Лениндан ўрганамиз. 18.00 Время. 18.30 Футбол шарҳи. 19.00 Мультфильм. 19.10 «Тапиончоним». Фильм-спектакль. 20.30 Время. 21.00 «Тапиончоним» (давоми). 22.40 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Зоднак даврасида. 8.35 ва 9.35 Тарих. 9.05 Итальян тили. 10.05 Сиз яратган боғ. 10.35 ва 11.35 Тарих. 11.05 Рус тили. 12.05 «Шинель». Бадиий фильм. 13.15 «Да..да..ди..до..ду». 13.45 Такрорий телефильмлар. 16.30 Мультфильм. 16.45 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Время. 18.30 Концерт. 18.50 Ҳужжатли фильм. 19.05 Т. Хохлова куйлайди. 19.25 Коллаж. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Мусиқий абонемент. 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.00 «Иллюзион» туркумидан бадиий фильм. 23.00 Тўпли хоккей. Халқаро турнир.

3 апрель, сешанба

УзТВ-I. 17.30 Телефильм. 18.00 Ёшлик. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Оилавий болалар богчалари. 20.30 Время. 21.00 Муҳаббат мадҳи. 21.40 Долзарб мавзу. 22.00 Ахборот. 22.20 Деҳқон ва замон. 23.30 Янгиликлар.

УзТВ-II. 18.05 «Қамал». Бадиий фильм, 2-фильм. 19.20 Дўстлик программаси. ДУШАНБЕ. 20.30 Время. 21.00 «Боз як барноман чавони». 22.00 Ахбор. 22.20 «Боз як барноман чавони» (давоми). 23.10 «Минархарлик Жўра овчи». Бадиий фильм, 2-серия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильмлар. 9.45 Жониворлар цирки. 9.30 Бу бўлган... бўлганди. 9.55 Болалар соати. 10.55 Дунё бўйлаб. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.30 Ҳужжатли фильм. 16.00 Бор бўл, мусиқа. 17.00 Венгрия телевиденеси. 18.00 Время. 18.30 Ёшлар хабарномаси. 19.00 9-студия. 20.00 В. Шувалов куйлайди. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 «Аччиқ сўзим билан кулдираман». Н. В. Гоголь ижоди. 22.20 Долзарб интервью. 22.40 «Аччиқ сўзим билан кулдираман» (давоми). 23.55 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 8.35 ва 9.35 География. 9.05 ва 10.05 Француз тили. 10.35 ва 11.40 Биология. 10.55 Зеҳнилар учун машқлар. 12.00 «Инглизча вальс». Бадиий фильм. 13.05 Ритмик гимнастика. 13.35 Такрорий телефильмлар. 16.30 Ю. М. Нагибин билан икки учрашув. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси. 20.45 Концерт. 21.35 Коллаж. 21.40 ва 21.55 Концерт. 22.55 Экран усталари. Кинорежиссёр А. А. Тарковский

4 апрель, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Ботаника. 12.00 Телефильмлар. 12.30 Мақсуд Шайхзода ижоди. 13.00 «Қамал». Бадиий фильм, 1-фильм. 17.30 Чорвадор. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 Наманган вилоятида якка тартибда уй қуришнинг бориши ҳақида. 19.00 Мактаб ислоҳоти — ҳаётга 19.30 Ахборот. 19.45 Телефильм. 20.00 Тилга эътибор... 20.30 Время. 21.00 Хоразм ҳаволари. 22.00 Ахборот. 22.20 «Ялла»нинг Наврўз чойхонаси. 23.35 Янгиликлар.

УзТВ-II. 18.05 «Тошкент» студияси. 18.50 «Қамал». Бадиий фильм. 3-фильм. ДУШАНБЕ. 20.30 Время. 21.00 Ганчина ансамбли. 21.45 «Бошқирд асали». Кинолавҳа. 22.00 Ахбор. 22.20 «Минархарлик Жўра овчи». Бадиий фильм, 3-серия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Мультфильмлар. 8.35 Бор бўл, мусиқа. 9.35 Ҳужжатли фильм. 12.00 Время. 15.15 Концерт. 16.25 ТелеЭКО. 16.55 Болалар соати. 17.55 Коллаж. 18.00 Время. 18.30 Рассом В. Охунов ва Т. Миржалиловлар устахонасида. 19.00 «Эскирган комедия». Бадиий фильм. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Телевизион танишув. 22.40 Концерт. 22.55 Мезон. 23.15 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 8.35 ва 9.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 9.05 ва 10.05 Немис тили. 10.35 ва 11.35 Мусиқа. 11.05 Онам, дадам ва мен. 12.05 Экран усталари. Кинорежиссёр А. А. Тарковский. 13.20 Бутунроссия опера фестивали. 14.05 «Илк қувончлар». Бадиий фильм, 1-серия. 16.30 Мультфильмлар. 16.55 «Ўз дардини енгиш». 17.10 «Парнас сари бир босқич». 17.20 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси. 20.45 Е. Иванова куйлайди. 21.35 Ҳужжатли фильм. 21.45 Концерт. 22.25 Коллаж. 22.30 «Ота кўрасининг ҳарорати». Ашхабоддан кўрсатилади. 23.00 Экран усталари, режиссёр А. А. Тарковский.

5 апрель, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 ЎзССР тарихи. 12.00 Телефильм. 12.30 ЎзССР тарихи. 13.00 «Қамал». Бадиий фильм, 2-фильм. 17.30 Давр тақозоси билан. 18.05 Болалар учун фильм-концерт. 18.30 Ешлик. 19.15 Ҳужжатли фильм. 19.30 Ахборот. 19.50 Алифбо сабоқлари. 20.25 Реклама. 20.30 Время. 21.00 Долзарб мавзу. 21.25 Нафосат гулшанида. 22.00 Ахборот. 22.20 «Абадият». Бобур ижоди ҳақида.

УзТВ-II. 18.05 «Қамал». Бадиий фильм. 4-фильм. 19.10 Машинасозлик — илмий-техника тараққиётининг асоси. 20.00 «Тошкент» студияси. ДУШАНБЕ. 20.30 Время. 21.00 «Оҳанги зиндаги». 22.00 Ахбор. 22.20 «Минархарлик Жўра овчи». Бадиий фильм, 4-серия.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильм. 8.15 «Эскирган комедия». Бадиий фильм. 9.45 Объектив. 10.20 Камалак. 10.55 Болалар соати. 11.55 Коллаж. 12.00 Время. 15.15 Ҳужжатли фильм. 15.35 Мультфильмлар. 16.00 Бугунги Эфиопия. 16.30 «Олтин шайба» клуби. 17.15 Фалсафий суҳбатлар. 18.00 Время. 18.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 19.15 Инсон ва қонун. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Концерт. 21.45 Олам кинокамера кўзгусида. 22.40 Рақслар. 23.10 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика 8.15 ва 9.25 Илмий-оммабоп фильмлар. 8.35 ва 9.35 Табиатшунослик. 8.55 ва 10.55 Испан тили. 10.35 ва 11.40 Биология. 11.00 «Бурда моден». 12.05 Экран усталари, кинорежиссёр А. А. Тарковский. 13.10 Ритмик гимнастика. 13.40 «Камалак». 14.10 Телефильмлар. 16.30 «Депортация». 17.20 Мультфильм. 17.30 Ритмик гимнастика. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси. 20.45 Концерт. 21.10 Футбол. СССР чемпионати.

6 апрель, жума

УзТВ-I. 17.30 Телефильм. 10.00 Мультфильмлар. 18.30 «Ешлик». 19.00 «Баҳорнинг бир куни йилга татийди». 19.30 Ахборот. 19.45 ЎзССР Ички ишлар министрлигининг матбуот маркази хабар қилади. 19.55 Фарғона лавҳалари. 20.30 Время. 21.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 21.55 Кинолавҳа. 22.00 Ахборот. 22.20 Одобнома. 22.35 Ўзбекистон композиторлари. Дони Зокиров. 23.40 Янгиликлар.

УзТВ-II. 18.05 «Тошкент» студияси. 19.05 Томошабин бўлиш санъати. 19.45 «Тошкент» студияси. ФРУНЗЕ. 20.30 Время. 21.00 Шу куннинг мавзуида. 21.15 «Бу киши ким?» Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильм. 8.15 «Олтин шайба» клуби. 9.00 Инсон ва қонун. 10.15 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 11.00 «Умринг боқий бўлсин Ер!». 12.00 Время. 15.45 Болалар учун фильм. 15.15 Яшил чироқ. 16.45 «Узоқ ўтмишда». Кўчманчи қирғизлар урф-одатлари ҳақида. 17.20 СССР халқ артисти Е. Н. Гоголева. 18.00 Время. 18.30 Реклама. 19.00 Концерт. 19.10 В. И. Ленин таваллудининг 120 йиллигига. 20.30 Время. 21.00 Коллаж. 21.05 Долзарб интервью. 21.15 Нигоҳ. 23.05 ...Бу бўлган, бўлганди. 23.35 ТСН.

МТ-II. 8.00 Гимнастика. 8.15 Илмий-оммабоп фильм. 8.45 ва 9.35 Теварак-атроф билан танишиш. 9.05 Инглиз тили. 9.55 Илмий-оммабоп фильм. 10.05 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 География. 11.05 ТелеЭКО. 12.10 Футбол. СССР чемпионати. 13.00 Концерт. 13.40 Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар. 14.40 Такрорий телефильмлар. 16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 17.15 Мультфильм. 17.35 Вьетнам артистларининг концерти. 18.00 Время. 18.30 СССР Олий Совети сессияси. 19.15 Хотира. 19.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.45 Кичик корхоналарни ривожлантириш ҳақида. 20.15 Ҳавас қилманг. 20.55 Концерт. 21.05 Коллаж. 21.10 «Яшанглар». Бадиий фильм. 23.30 Спорт ҳамма учун. 23.45 Тикланиш.

7 апрель, шанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Ҳужжатли экран. 10.50 «Ешлик». 11.20 «Қалбга йўл». Бадиий фильм. 12.55 Саломат бўлинг! 13.25 Оналар мактаби. 13.55 Покланиш йўлидан. 14.25 Севгимни куйлайман. 15.15 Янгича савдо қилишни ўрганамиз. 15.45 Юксалиш сари. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. 18.50 Шеърият дафтаридан. Ҳосият Бобомуродова. 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Сиҳат-саломатлик. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Время. 21.00 Саҳоват. 22.00 Ҳафтанома. 22.40 Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари.

УзТВ-II. ДУШАНБЕ. 9.00 Ритмик гимнастика. 9.15 «Саву калом». 10.05 Жаҳон саломатлик куни. 11.05 «Заречная кўчасида баҳор». Бадиий фильм. ФРУНЗЕ. 15.05 Мультфильм. 15.25 «Ой камалаги». Бадиий фильм. 16.50 Реклама. 17.00 Сентябрнинг икки куни. 17.05 Арслонбобга таклиф этамиз. 17.30 Айтматов ва кино. 19.00 Мезгил. 19.30 «Нооруз—баҳор байрами. 20.30 Время. 21.00 Фрунзе шаҳри кунининг байрами. 21.20 «Ала-тоо периси». Гўзаллик конкурси. 22.10 «Қишда пишган олча». Бадиий фильм.

МТ-I. 6.00 «120 минут». 8.00 Сиз яратган боғ. 8.30 Мультфильмлар. 8.50 «Мен қутбгача етиб бораман». 9.20 Ғолиблар. 10.20 А. Аблабердиева куйлайди. 10.55 Ҳужжатли фильм. 11.25 «Ўлим архиви». Бадиий фильм, 3-серия. 13.05 Тижорат хабарномаси. 13.35 Ҳужжатли фильм. 14.25 «Спектр». 14.55 Ҳайвонот оламида. 15.55 Сиёсий мулоқотлар. 16.55 Камалак. 17.30 Халқаро панорама. 18.15 «Қирол Лир». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 20.30 Время. 21.00 Долзарб интервью. 21.10 Телескоп. 21.30 «Кулги кечаси». 22.55 Концерт.

МТ-II. 7.30 Гимнастика. 7.45 «Гина». Бадиий фильм. 9.10 Озарбайжон ССР Давлат рақс ансамблининг концерти. 9.40 Совет Россияси видеоканали. 12.10 «Барглар». Ҳужжатли фильм. 14.10 Мультфильм. 14.55 «54 ёшга тўлганимда». Бадиий фильм. 17.25 Баскетбол. АҚШ чемпионати. 18.15 СССР Олий Совети сессияси. 19.00 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.15 Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 19.45 Ҳужжатли фильм. 20.00 Реклама. 20.30 Время. 21.00 Ҳужжатли фильм. 21.50 Вальс, вальс. 22.25 «Севги анатомияси». Бадиий фильм.

8 апрель, якшанба

УзТВ-I. 9.00 «Ассалому алайкум». 10.00 Мактаб ўқувчилари учун. 10.25 «Содиқ дўстим Санчо». Бадиий фильм. 11.45 Муаммо билан юзма-юз. 12.35 Спорт программаси 1. Волейбол. СССР чемпионати. 2. Шаҳмат шарҳи. 13.45 «Ёғоч қирол». Спектакль. 15.00 Алифбо сабоқлари. 15.35 Бугун — Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 16.05 Халқ ижодиёти. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун 18.50 Шаҳарларимиз жамоли. 19.30 Ахборот. 19.45 Экран табассуми. 20.30 Время. 21.00 Якшанба оқшомида. 22.00 Ахборот. 22.20 «Армон». Бадиий фильм.

УзТВ-II. ДУШАНБЕ. 9.00 «Сапеда». 10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». 10.15 Яхши дегани нима. 10.50 Фильм-концерт. 12.00 «Минархарлик Жўра овчи». Бадиий фильм, 5-серия. 18.00 Мультфильм. 18.25 Мусиқий ҳаёт панорамаси. 19.15 Телетомошабин ҳамроҳи. 19.45 Махфили театри. 20.30 Время. 21.00 Барномои мусиқи. 22.00 Ҳафта. 22.30 «Минархарлик Жўра овчи». Бадиий фильм, 6-серия.

МТ-I. 7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» 8.30 Эрта саҳарлаб. 9.30 Ватан хизматида. 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 «Ўлим архиви». Бадиий фильм, 4-серия. 13.45 Здоровье. 14.30 Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни. 14.45 Мусиқий киоск. 15.15 Қишлоқ янгиликлари. 16.30 Болалар информацион-публицистик программаси. 18.00 Ер — она масканимиз. 18.05 Фильм-спектакль. 20.30 Время. 21.00 Абадият ҳақида ўйлар. 21.15 Гжель — рус мўъжизаси. 22.05 Балет, балет...

МТ-II. 7.30 Заряднага сафланинг! 7.45 Ватан осмонини ҳимоя қилиб. Ҳужжатли фильм. 7.55 Концерт. 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.10 От спорти. Англиядан кўрсатилади. 10.40 Концерт. 11.00 Саёҳатчилар клуби. 12.00 «Совет Россияси» видеоканали. 14.30 Концерт. 14.40 Халқаро программа. 15.40 «Кечки поездга битта билет». Бадиий фильм. 16.15 Телемарафон. Хайрия концерти. 19.15 Хайрли тун, кичкинтойлар! 19.30 Хайрия концерти. 20.30 Время. 21.00 Хайрия концерти.

• АХБОРОТ

АҲОЛИ МАМНУН

● Қамаши районида янги сут заводи маҳсулот берабошлади.

Илгари район хўжаликларида тайёрланадиган сут қайта ишлаш учун Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларига олиб бориларди. Колхоз ва совхозлар бундан катта зарар кўрарди. Транспорт харажати ошиб, маҳсулот сифатига зиён етарди. Сут заводи қурилиши эса айни муддао бўлди. Қурилишни райондаги 239-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари амалга оширдилар.

Ҳозир корхона кунига 25—30 тонна миқдорида сутни қабул қилиб олмоқда. Яқинда қатиқ ивитиш цехи ҳам созлаб бўлинди. Бу ерда ҳар сменада 5 минг шиша қатиқ тайёрланади. Аҳоли сут-қатиқ маҳсулотлари кўпайиб, сифати ошаётганидан мамнун.

БЕМОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

● Қарши шаҳридаги тиш касалликларини даволаш поликлиникаси янги бинога кўчиб ўтди.

Бинодаги даволаш хоналари замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Поликлиникада ҳар сменада 200 беморга тиббий ёрдам кўрсатилади. Бу ерда беморлар ва медицина ходимлари учун зарур қулайликлар яратилган.

ПОКИЗАЛИК ОМИЛИ

● Шаҳрисабз шаҳрида тозалаш иншооти қурилиб, ишга туширилди.

Бунинг учун 6 миллион 200 минг сўмлик иш бажарилди. «Каршистрой» махсус қурилиш бирлашмаси ва 13-қурилиш трести бунёдкорлари жонбозлик кўрсатдилар. Тозалаш иншоотининг ишга туширилиши Шаҳрисабз шаҳрини социал-иқтисодий ривожлантириш имконини беради. Энди кўп қаватли турар жой ва маданий-маиший биноларни қуриш мумкин бўлади.

БИРЛАШМА ҲИСОБИДАН

● Қарши шаҳрида «Хлопкопром» область бирлашмаси ишчи, инженер-техник ходимлари учун тўққизта коттеж, иккита 12 квартирали уй фойдаланишга топширилди. Болалар боғчаси 280 ўринга кенгайтирилди.

Бундан ташқари бирлашма ҳисобидан озиқ-овқат ва саноат моллари дўкони, новвойхона, гўшт дўкони ҳам қуриб битказилди. Шунингдек, Жейнов, Қамаши, Яккабоғ ва Чироқчи пахта тозалаш заводлари ишчилари учун ҳам бир қанча турар-жой ва маданий-маиший бинолар фойдаланишга топширилди.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги олдидан

МУШТОҚЛИК

УРУШДА ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛГАНДИ

1943 йилнинг 22 август куни Харьков шаҳрини душмандан тозаладик. Немислар шаҳардан 20 километр ғарб томондаги Любатин шаҳрига қараб машиналарда, мотоциклларда қоча бошлашди. Биз пиёда қувлаб кетяпмиз.

Бир неча кундан буён иссиқ овқат ичмаган аскарларимиз душман ташлаб қочган дошқозоннинг қопқоғини очиб, бўтқадан энди бир чўмич котелокка солганимизни биламиз, ротамиз старшинаси Логинов:

— Сабр қилинглар, орқада ўзимизники келяпти, — деб қолди. Бир амаллаб, қалин ўрмонзорга етиб олдик. Окоп қазишга буйруқ берилди. Атроф жим-жит, гўё уруш тугагандек. Ошхонамиз бир километрча наридаги ўрмонзорда жойлашганди. Бу сафар овқат олиб келиш Тўйчи Чўлиев, Ёқубжон Шукуров, Тоживой акаларга (фамилиясини унутдим) топширилган эди. Улар жанглардан омон қолган 20 кишига мўлжалланган овқатни олиб келишга кетишди. Орадан анча вақт ўтди. Қўшни взвод солдатлари овқатланиб ҳам бўлишди. Окопларига кириб кетишди. Бизникилардан эса ҳамон дарак йўқ. Хабар олиб келиш учун Ребровни юбордик.

— Котелокларни тўлдиришиб кетганига анча бўлди, — дебди ошпазимиз Костенко. — Энди нима қилдик, катталарга нима деб жавоб қиламиз. Ёки душман томонга...

— Немислар ўзларини қўярга жой топишолмаяпти-ю, асирларни бошларига уришадими? — гап ташлади кимдир.

— Ўзлари-ку, майли-я, айтинг-айтинг котелогимиз йўқолмасин-да, — деб кимдир ҳаммамизни кулдирди. Яна кимдир гап отди:

— Бўтқани еб, мазза қилиб ётишгандир.

Тонг оқарди. Яна қув-қув бошланди. Шаҳарга 3—4 километр қолганда душман ҳужумга ўтди. Осмон тўла самолёт. Бир томонда тўплар ўқ узиб турибди. Бизнинг взвод жўхори экилган майдонда жанг олиб боришига тўғри келди. Улар бизларни, биз уларни кўрмаймиз. Ўт очиш таваккалига бўлиб кетди. Жанг кун бўйи давом этди. Уч-тўрт марта ҳужумга ўтдик. Одамларимиз кам. Ниҳоят, кечга бориб ёрдам ҳам келди.

Кечаси Любатин шаҳрини қўлга киритдик. Сўнг Полтавага қараб йўл олдик. Лекин овқатга кетганлардан дарак йўқ. Шаҳарга яқинлашганимиз сари душман ҳужуми кучая борди. Ҳар бир қишлоқ хонадони учун шиддатли жанг борарди. Уч кун деганда Любатин шаҳрига яқин бир посёлкани қўлга киритдик. Узоқлардаги тўп батареяси жойлашган пастқам жойда «ДОТ» кўзга чалинди. Бир-иккита одам юрарди. «Ҳов анавилар! Бизнинг довдирларимиз-ку», «Нақ ўшалар!», — дейишди дурбинлари борлари.

Дарҳол рота командири Генераловга хабар бердик. Взводимиз билан ўша ерга етиб бордик. Не кўз билан кўрайликки «ўшалар». Мен улар кечирим сўрар, деб ўйлаган эдим. Тоживой ака эса менга қараб:

— Вой номардлар-ей, биз лар уч кундан буён бу посёлкани қўлга олиб сизларни кутиб ўтирибмиз-а! Мана бу тўп, мана бу «тўнғиз»ни сизларга кўрсатаман, деб оёқ-қўлини боғлаб қўйганман. Мана бу қопдагилар озиқ-овқат «шнапс» ҳам бор. Мана бу қоғозни немис командири сенга бериб юборди, — деди-да ҳалиги қоғозни менга узатди.

Воқеа бундай бўлган экан. Йигитларимиз йигирма кишилик бўтқани олиб кетатуриб йўлдан адашибдилар. Узоқ йўл юриб икки қаватли бинога рўпара бўлишибди. Таваккал дея, бинонинг ичига киришибди. Душман қўриқчиси елкасида автомат, пилоткасида қизил юлдуз, қўлларида аллақандай нарса кўтариб кирган рус солдатларини кўриб, вас-васага тушишибди. Шу пайт коридордаги эшикларнинг биридан ўзбек аёли чиқиб қолибди.

— Қайси дивизиядансизлар? — деб сўрабди у.

— Биз ҳеч қайси дивизиядан эмасмиз. Биз Фарғонаданмиз.

Аёл қаҳ-қаҳ отиб кулибди.

— Муғомбирлик ҳам эви билан-да, тўғрисини айтинглар, — дебди аёл.

— Тўғрисини айтяпмиз, — жавоб қилибди Тоживой ака. — Тўйчиев Каганович районидан, Ёқубжон Асакадан, менинг ўзим қўқонликман.

— Командирингиз ким?—

— Ўн тўққиз ёшли бир қозоқ йигит, — дебди яна Тоживой ака. — Биз уни Раҳматулла деб чақирамиз.

Ўзбек аёли асли Туркиядан келган экан, махсус мактабни тугатиб, Шарқий фронтга юборилганига икки ой бўлган экан.

Ниҳоят, йигитларимизга, тўрт томонингиз қибла, деб жавоб бериб юборишибди. Улар йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, тўғри ҳалиги бизнинг дурбинларимизда кўринган жойга тўғри келиб қолган экан. Тўпчилар ухлаб ётган жойга кириб, ҳалиги «тўнғизни» маст бўлиб ётган жойида қуролсизлантиришган. Фрицдан олинган гранаталарни «ДОТ»га ташлашган. Бу қаҳрамонлик учун уларнинг учаласига «Жасорати учун» медали берилди.

Орадан кўп йиллар ўтди. Эҳтимол, менинг взводимда хизмат қилган қуролдош дўстларим Тоживой ака, Чўли ака, Ёқубжон акалар омон-эсондирлар. Қани энди бир учрашсак. Шу бўлиб ўтган воқеаларни яна бир-бир эсласак. Бу муштоқлик менга ором бермай қўйди.

Раҳматулла ИСҲОҚОВ,
уруш ва меҳнат ветерани.

КОМИТЕТ ТУЗИЛМОҚДА

Ўзбекистонда бир ярим минг оила Афғонистондан қайтмаган фарзандлари, эрлари, акалари, укалари ва оталари учун қора кийиб юрибди. Ҳар бир оила учун бу ўрнини тўлдириб бўлмайдиган йўқотишдир. Бошлиқларнинг тўраларча муносабатлари, уларнинг лоқайдлиги ва димоғдорлиги, ўз ҳарбий бурчини бажарган фарзандлари хотирасини менсимаслиги ҳалок бўлган «афғон»чилар оналарининг қалбидаги тузалмас ярага туз бўлиб сепилмоқда. Ғамни енгиш учун биз бирлашишимиз керак — бу байналмилалчи жангчилар ва запасдаги жангчилар республика уюшмаси аъзолари билан Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар оилалари ўртасидаги учрашувда асосий фикр бўлди. Бу учрашув Туркистон ҳарбий округи тарихи музейида бўлиб ўтди. Музейга йиғилганлар бўлажак ташкилотнинг мақсадлари ва вазифаларини белгилаб олдилар.

Ҳалок бўлган «афғон»чилар оилалари комитети мамлакат ва республика ҳукуматлари улар учун қонунларда кўзда тутган имтиёзлар бажарилишини назорат қилишни режалаштиради. Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар хотирасини абадийлаштириш ишига бош қўшиб, мактабларга, кўчаларга уларнинг номи берилишига эришиш ниятидадир. Оила аъзолари ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатиладиган ёдгорликлар лойиҳаларини муҳокама қилишда, хотира китоблари яратишда қатнашадилар. «Умид» жамоатчилик комитети билан биргаликда бедарак кетганларни қидириш, асирларни ватанига қайтариш ишига қўшиладилар. Учрашув қатнашчилари жамоат ташкилоти «афғон»чиларнинг ўзларига ҳам, масалан, ижтимоий-руҳий жиҳатдан оёққа турғазиш марказларини барпо этишда, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ёрдам бериш кераклиги тўғрисида гапирдилар. Янги жамоат ташкилоти келгусида Афғонистон билан боғлиқ сиёсий хатолар такрорланмаслиги учун ҳамма ишни қилади, албатта.

ЎзТАГ мухбири.

«02» хабар қилади

Сабзавот дўконидаги аракфуруш

● Кейинги кунларда Тошкент шаҳридаги «Комфорт» фабрикаси яқинида жойлашган сабзавот дўконида антиқа воқеалар юз бериб қолди. Чунки бу ерда масаллиқ тўла халта кўтариб чиққан кишини учратиш қийин эди. Дўкондан узоқлашаётганлар орасида кимнингдир ички чўнтаги дўппайган, бошқаси қоғозга ўроғлиқ нарса кўтарган. Сергели район ички ишлар бўлими БХСС бўлинмаси ходимлари сотувчи Адҳам Иброҳимов фаолиятини назоратга олишгач, харидорларни дўконга чорлаётган нима эканлиги аниқланди.

15 февраль куни кеч соат еттиларда А. Иброҳимов район озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 27-дўконга келди. Орқа эшикдан беш яшик аракни олиб, ўзининг дўконига туширди. Кузатув натижасида А. Иброҳимов аракнинг ҳар донасини 15 сўмдан пуллаб, томоғи тақиллаганлар ҳожатини чиқараётганда ушланди. Ножўя ишнинг сабаби сўралганда, 24 ёшли А. Иброҳимов уйланиш учун пул кераклигини рўкач қилди. Албатта, йигит киши вақт етганда уйланиши, оилали бўлиши керак. Лекин нопок йўл билан пул топиб эмас. Тоғни урса талқон қиладиган йигит юрт олдига дастурхон ёзиб, тўй ўтказаман деса даромад топишнинг ҳалол йўллари кам эмасди.

Соқов телефон

● Зарурат юзасидан дуч келган телефон ҳужрасига бош суқасизда, аппарат йўқлиги учун алоқачилардан ўпкалайсиз. 3 февраль куни тунги соат 4 ларда Чилонзор ва Фарҳод кўчалари кесишган чорраҳада юз берган ҳодиса Тошкент телефонлари нега соқовлигини ҳиёл ойдинлаштирди. Чилонзор район ички ишлар бўлими қошидаги қоровуллик бўлими милиционерлари телефон ҳужрасидан аппаратни ўмараётган А. Скоробогатов ва С. Гусевни қўлга туширдилар.

Тергов давомида А. Скоробогатов тез бойиш мақсадида ҳамтовоғи билан 59 та телефон ҳужрасини аппаратдан жудо қилганлиги маълум бўлди.

Накдини маъқул кўрган инструктор

● Милиция ходимлари ёш ижодкорлар илмий-техника маркази инструктори 22 ёшли И. Транисни одатдан ташқари машғулот устида қўлга олишди. У Киров номли маданият ва истироҳат боғида ҳар бирининг оғирлиги 5 граммли 12 дона пакетдаги афюнни пуллаётганда ушланди. Яратилаётган янгилик самарасини кутишдан кўра накд пул ишлашни афзал кўрган инструктор ёнидан яна анчагина оғу топилди.

Ака-ука Чоршанбиевлар қидирилмоқда

● Жумҳурият ички ишлар нозирлиги идоралари томонидан бедарак йўқолган ака-ука Чоршанбиевлар қидирилмоқда. Улар Қашқадарё область Ғузор районидаги Булоқ қишлоғида яшардилар. 1989 йил 12 июль куни тушда улар номаълум вазиятда дом-дараксиз йўқолишган.

Жамшид Чоршанбиев (суратда чапда) 1985 йил 6 июнда туғилган. Бўйи 75—80 сантиметр, кўзлари қисиқ, қулоғи ва бурни катта, сочлари қора. Сариқ рангли майка, кўк рангли иштон кийган эди. Чап кўзи учиб туради.

Искандар Чоршанбиев эса 1986 йил 12 декабрда туғилган. Бўйи 55—60 сантиметр, сочлари қора, қулоғи катта. Йўқолган пайтида уст-боши йўқ эди.

Ака-ука Чоршанбиевлар ҳақида бирон бир маълумотга эга бўлган кишилардан энг яқин милиция бўлимларига «02» рақамли телефон орқали хабар беришларини сўраймиз.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
Жумҳурият Ички ишлар нозирлиги матбуот маркази ходими, милиция капитани.

Сурат—айбнома

РАНГ КЎР, ҲОЛ СЎР

Сиз ушбу суратларда кўриб турган аянчли аҳвол қишлоқда эмас, йирик шаҳарларда юз бермоқда. Андижон шаҳар ижроия комитетининг шундоққина биқинида жойлашган янги турмуш кўчасида водопровод қувурлари ёрилиб, кўча шундай аҳволга тушганидан ижроиом раҳбарларининг хабарлари йўқ, деб бўлмайди. «Водоканал» трести бошлиқлари ҳам бундан воқиф. Бироқ уч йилдан бери қувурни ремонт қилиш ўрнига, кўчани асфальт қилиш билан оворалар.

Шунисн қизиқки, маҳаллий Советларга сайловлар олдидан бу ишга сал киришгандай бўлишди. Бироқ, сайлов ўтгач, ишлар яна тўхтаб қолди.

Иккинчи сурат жумҳуриятимиз пойтахти Тошкент шаҳридан олинган. «Ҳуррият» кўчасида бундан юз йиллар аввал уста Шукурхон қўли билан бунёд этилган бу масжит бизнинг кунларимизга келиб, шундай аҳволга тушади, деб ҳеч ким ўйламаганди. Бир вақтлар улуғ алломалар қадам ранжида қилган, кейинчалик мактаб, йиллар ўта бориб клуб, маҳалла комитети бинаси сифатида элга хизмат қилган бу бино ҳозирги кунда файзини йўқотди. Унинг ён атрофи ахлатхонага айланган.

«Коминтерн» маҳалла комитетининг раиси Ҳаким Мавлонов бу бинони ҳашар йўли билан ремонт қилиб, Улуғ Ватан урушида қурбон бўлганларга ёдгорлик ўрнатганликларини сўзлаб берди. Бироқ, шаҳар ижроия комитетидаги мутасадди ўртоқларнинг бефарқлиги туфайли ободончилик ишлари илгари силжимаяпти.

Хуллас, булар кўркам шаҳарларимиз ҳуснига доғ.

М. НАЗАРОВ.
В. МОЛГАЧЕВ суратлари.

СПОРТ

Сузиш: ҚЎШ МУКОФОТ

Ленинградда ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақаси спортчиларда ўзига хос қизиқиш уйғотди. Боиси мусобақа ташкилотчиларига спонсор — ҳомийлик қилган «Ленинец» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўмагида спортчилар моддий рағбатлантирилди. Совринли ўринларни эгаллаган сузувчилар магнитафон ва 150 сўм пул билан тақдирланди. 50 ва 100 метрга чалқанча сузишда муваффақият қозонган тошкентлик Сергей Заболотнов иккита магнитафонлик бўлди. Команда ҳисобида республикамиз вакиллари Украина, Ленинград, Москва ва РСФСР сузувчиларидан кейин бешинчи бўлишди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

⊙ СССР футбол федерациясининг навбатдаги мажлисида муҳим масала кўрилди. Чунончи, Грузия футбол федерациясини СССР футбол федерацияси составидан чиқаришга қарор қилинди. Айни пайтда, Литва футбол федерацияси СССР Футбол Федерацияси билан алоқани мутлақ узиш ниятн йўқлигини, лекин чемпионат ўйинларида қатнашмаслигини билдирди. Шу боис, Литва футбол федерацияси вақтинчалик Бутуниттифоқ футбол федерацияси аъзолигидан чиқарилди. Грузия футбол мутасаддилари эса СССР футбол федерацияси уставини тан олмаслигини ва унинг аъзоси бўлиб қололмаслигини маълум қилди. Шундай қилиб, грузин ва литвалик футболчилар совет ва ҳорижий командалар билан учрашишдан маҳрум бўлдилар.

⊙ СССР футбол федерацияси Сухуми динамочиларининг илтимосига кўра, уларни биринчи лига аъзолари қаторида чемпионатда иштирок этишига розилик билдирди. Энди олий лигада 13 та команда ўйнайди. «Жальгирис» футболчилари билан шу кунгача ўтказилган ўйинларда тўпланган очколар бекор қилинади. Мавсум охирида олий лигани бир команда тарк этади. Биринчи лигада ўзини кўрсатган тўрт коллектив олий лигага йўлланма олади.

⊙ «Пахтакор» футболчилари мавсумга тайёргарликни ниҳоясига етказишмоқда. Пахтакорчилар куни-кеча Находканинг «Океан» коллективи билан учрашдилар. Ўйин 1:1 ҳисобида тугади. Футболчиларимиз сўнгги ўртоқлик учрашувини Фрунзенинг «Олга» коллективи билан ўтказиш учун сафарга йўл олдилар.

ХРОНИКА

СССР Президенти М. С. Горбачев СССР граждан авиацияси министри ўртоқ Александр Никитович Волков ва СССР соғлиқни сақлаш министри ўртоқ Евгений Иванович Чазов бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан ўз илтимосларига кўра, уларни мазкур лавозимлардан озод қилди.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.

Реклама ва эълонлар

ДАВЛАТ СУҒУРТАСИДАГИ ЯНГИЛИК!

ШАФҚАТЛИЛИК— АМАЛДА!

Шафқатлилик, раҳмдиллик — шу куннинг долзарб мавзуларидандир.

Болалар интернат муассасаларида тарбияланаётган бир ронта боланинг фойдасига БОЛАЛАР ИНТЕРНАТ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТНОМАСИНИ тузсангиз, қалбингиздаги раҳм-шафқат туйғуларини амалда исботлаган бўласиз.

Улғайиб, болалар муассасаларидан чиқиб кетаётган тарбияланувчилар учун бу пул миқдори — мустақил ҳаёт йўлининг бошида анчагина мадад бўлади.

Алоҳида фуқаролар ва меҳнат жамоалари суғуртачи бўлишлари мумкин.

Шартнома 200, 300, 500 ва 1000 сўмга тузилади.

Суғурта бадали суғурта тўғрисидаги ариза ёзилган кундан бошлаб 15 кун ичида фуқаролар томонидан нақд пул билан, меҳнат жамоалари томонидан эса ўз ҳисобчилар хонаси орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш йўли билан бир йўла тўланади.

Жумҳурият давлат суғурта идорасининг исталган инспекциясида бу турдаги суғурта тўғрисида батафсил маълумот олиш мумкин.

Ўзбекистон ССР Давлат суғурта идораси.

БОЛАЛАРНИНГ ЎТ БИЛАН ЎЙНАШИ— ЁНҒИНГА ОЛИБ КЕЛАДИ!

Болалар қўлидаги олов — улкан хавф демакдир. Шунинг учун ҳам, Сиз, катталар — болаларнинг олов билан ўйнашига йўл қўйманг! Гугуртларни уларнинг қўли етмайдиган жойда сақланг, турар жойлардаги ёнғинларнинг ҳар учинчи ва тўртинчисига болаларнинг олов билан қилган шўхлиги сабаб бўлмоқда.

Гугуртларни болалардан беркитиб юринг — чунки бундай ўйиннинг оқибати вой бўлади.

ЁНҒИН ЧИҚМАСЛИГИ УЧУН:

— болаларни уйда қаровсиз ташлаб кетманг, керосинка, керогаз, печка, примус ва газ асбобларини ёндиришни уларга ишониб топширманг;

— болаларга шамлар, ёндиргичлар, электр иситиш асбоблари ва ёнғин чиқиб кетиши мумкин бўлган бошқа олов манбалари билан ўйнашга рухсат этманг;

— болаларнинг чердаклар, ертўлалар, омборлар ва бошқа дағал хашак сақланадиган жойларда ўйнашига йўл қўйманг.

Жумҳуриятимиз фуқаролари! Гулхан ёқаётган ёки аланга билан ўйнашаётган болалар ёнидан бепарво ўтиб кетманг. Болаларга олов хавфини тушунтириб, ўзингиз олов билан эҳтиёт бўлиб муомала қилишда уларга ибрат бўлинг.

ОТА-ОНАЛАР, БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАРБИЯЧИЛАРИ, МАКТАБЛАРНИНГ ЎҚИТУВЧИЛАРИ!

Олов манбаларидан фойдаланиш қоидаларини болаларга тушунтириб беринг, уларнинг бўш вақтини турли хил мазмунли ўйинлар, техникавий ва бадиий ижодиёт билан банд қилишга тиришинг!

ЕДИНГИЗДА БЎЛСИН!

Гугурт, ёндиргич, аэрозоль баллончаларини болаларнинг қўли етмайдиган жойда сақлаш лозим.

Ўзбекистон Жумҳурият кўнгилли ўт ўчириш жамияти. «Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институти жамоаси биотехнология лабораториясининг мудири, биология фанлари номзоди Ш. Р. Мадёровга отаси

Раимжон МАДЕРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриёти ҳамда «Фан ва турмуш» журнали жамоалари кекса журналист, журналнинг собиқ бўлим мудири

Муҳаммаджон РАҲИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент политехника институти жамоаси фалсафа кафедрасининг мудири, доцент М. Ф. Фаёзовга онаси

Нарзинисо ИЛЕСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат маданият институти жамоаси катта ўқитувчи Т. Б. Есимовга онаси

Қўйсин ЕСИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институтининг ректорати, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда саноатда бухгалтерия ҳисоби кафедраси жамоаси шу кафедра доценти С. Ш. Йўлдошевга онаси

Умринисо ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон жумҳурияти «Ипак» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси кекса ходим, меҳнат ветерани, ниҳмат кўрсатган ихтирочи

Золман Меерович МУШЕЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-46, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 04174. № 76. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12